


ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Н.Т.Бекназарова

Тошкент Кимё Халқаро Университети

Хорижий банкларнинг валюта операцияларини ривожлантириш борасидаги илгор тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятида фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Шуниси аҳамиятлики, тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида бир вақтнинг ўзида валюта операцияларининг барча турларидан (спот, форвард, фьючерс, опцион, своп) фойдаланилади. Бу эса, банк мижозларининг валюта операцияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш имконини бергани ҳолда, тижорат банкларига катта даромад олиш имконини беради.



1.1-расм. Bank of America (АҚШ) валюта операцияларининг ҳажми, млрд. АҚШ долларлари⁶³⁾

1.1-расм маълумотларидан кўринадики, Bank of Americада спот, фьючерс ва форвард операциялари миқдорининг 2018 йилда 2017 йилга нисбатан, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ўсиш суръатлари кузатилган. Бу эса, ушбу даврда банкнинг мижозлар билан амалга оширилган спот ва форвард операциялари ҳажмининг ошганлиги билан изоҳланади.


1-расм маълумотларидан кўринадики, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан Bank of Americaning спот, фьючерс ва форвард операциялари миқдори камайган.

2021 йилда Bank of America своп операцияларининг ҳажмини 2020 йилга нисбатан қисқарғанлиги етакчи валюталарнинг курсларини АҚШ долларига нисбатан

⁶³ Расм муаллиф томонидан BankofAmerica. AnnualReports (<http://www.bankofamerica.com>) маълумотлари асосида тузилган.

волатиллигини юқори бўлмаганлиги ва валютавий свопларнинг даромадлилик даражасини паст эканлиги билан изоҳланади (валютавий своплар тижорат банкларига ҳеч қачон юқори миқдордаги даромадни олиш имконини бермайди).

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2017-2019 йилларда Bank of America томонидан валюта опционлари билан амалга оширилган операциялар миқдорининг камайиш тенденцияси кузатилган.



1.2-расм. Bank of Americада (АҚШ) валюта риски миқдорининг ўзгариши, млн. АҚШ доллари⁶⁴⁾

1.2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Bank of Americада валюта рискининг миқдори 2017-2021 йилларда беқарор бўлган, аммо юқори суръатда ўзгармаган. Масалан, валюта рискининг миқдори 2021 йилда 2017 йилга нисбатан атиги 0,6 фоизга ўзгарган. Бу эса, банкда валюта рискини бошқариш тизимини яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

1-жадвал

DeutscheBankнинг (Германия) форвард ва валютавий своп операциялари^{65),} млн. евро

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Форвард операциялари	28 931	32 780	40 277	38 965
Своп операциялари	14 525	10 766	0	0

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Deutsche Bankнинг форвард операциялари миқдори 2019-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда экспортчи компаниялар томонидан форвард валюта битимларига бўлган талабнинг ошганлиги билан изоҳланади. Аммо, банк форвард операцияларининг миқдори 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

⁶⁴ Расм муаллиф томонидан Bank of America. Annual Reports (<http://www.bankofamerica.com>) маълумотлари асосида тузилган.

⁶⁵ Жадвал муаллиф томонидан Deutsche Bank. Annual Reports (www.db.com) маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Deutsche Bank томонидан 2021 ва 2022 йилларда валютавий своп операциялари амалга оширилмаган. Бу эса, биринчидан, валютавий своп операцияларининг тижорат банклари учун паст даромадли операция эканлиги билан, иккинчидан эса, мижозлар томонидан валютавий своп битимларига нисбатан талабнинг мавжуд бўлмаганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал

DeutscheBankнинг (Германия) комиссион даромадлари ва валюта операцияларидан олган даромадлари⁶⁶, млн. евро

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Комиссион даромадлар – жами	12 921	12 283	12 227	13 730
шу жумладан: валюта операцияларидан олинган даромадлар	621	586	536	572

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Deutsche Bankнинг комиссион даромадлари миқдори 2019-2022 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган, аммо, 2021 йилда 2022 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Ушбу ошишда валюта операцияларидан олинган даромадлар муҳим роль ўйнаган. Банкнинг валюта операцияларидан олган даромадлари 2021 йилда 2022 йилга нисбатан 6,7 фоизга ошган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Deutsche Bankнинг валюта операцияларидан олган даромадлари миқдори 2019-2022 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Германиянинг евроҳудудда эканлиги ва ўзининг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган Европа мамлакатлари – Франция, Италия, Австрия, Португалия ва бошқалар билан ҳисоб-китобларни еврода амалга ошириши мамлакат тижорат банкларига валюта операцияларидан олинадиган даромадлар миқдорини ошириш имконини бермайди.

АҚШ, Европа ва Япония банкларининг хорижий давлатларда кўп сонли филиаллар тармоғига эга эканлиги, валюта захираларини диверсификация даражасини юқорилиги, мазкур давлатларнинг йирик шаҳарларида халқаро молия бозорларини жойлашганлиги, банкларни етарли даражада ликвидли эканлиги ва валюта бозори инструментларидан комплекс фойдаланишни йўлга қўйилганлиги уларнинг валюта операцияларини ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратган.

⁶⁶Жадвал муаллиф томонидан Deutsche Bank Annual Reports (www.db.com) маълумотлари асосида тузилган.

Спот операциялари юқори рискли бўлсада, тижорат банкларига катта миқдорда комиссион даромад олиш имконини беради. Ўз навбатида, спот операцияларининг юқори рискли эканлиги улар билан боғлиқ бўлган валюта рискларини бошқариш заруриятини юзага келтирган.

Хозирги даврда тарақкий этган мамлакатларнинг банк амалиётида спот операциялари билан боғлиқ бўлган валюта рискларини бошқаришда банкларнинг очиқ валюта позициялари хажмини қисқартириш усулидан кенг фойдаланишмоқда.

Тижорат банкларининг валюта захираларини диверсификация даражасини юқори эканлиги, уларнинг хорижий валюталарда амалга ошириладиган инвестицион, эмиссион ва ссуда операцияларининг ривожланганлиги очиқ валюта позициялари хажмини қисқартириш усулидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Тижорат банклари иккала стандартдаги опционлардан ҳам фаол фойдаланишмоқда. Ҳар иккала стандартдаги валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар тижорат банклари учун юқори рискли ҳисобланади, айниқса, америка стандартидаги валюта опционларининг риск даражаси тижорат банклари учун жуда юқоридир. Аммо, тарақкий этган мамлакатларнинг банк амалиётида валюта опционлари билан боғлиқ бўлган валюта рискини тартибга солиш амалиётини такомиллашганлиги тижорат банкларига валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялардан юқори даромад олиш имконини бермоқда.

Сбербанк активларининг миқдорига кўра Россия Федерациясининг энг йирик тижорат банки ҳисобланади. Сбербанкнинг валюта операцияларини ривожлантириш борасидаги аҳамиятга молик тажрибаси сифатида қўйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. 2020 йилда Сбербанк ўз мижозларига “Чегарасиз ташқи иқтисодий фаолият” деб номланувчи хизматлар мажмуини таклиф қилди ва ушбу хизматлар тури хорижий валюталарни сотиб оловчи ва сотувчи, хорижий мамлакатларга хорижий валюталарда тўловларни амалга оширувчи ва валютавий назорат сервисларидан фойдаланувчи мижозлар учун жозибали бўлиб, мазкур операцияларни қисқа муддат ичида ва хавфсиз режимда амалга ошириш имконини беради;

2.2020 йилнинг сентябрида Сбербанк “Экспорт шартномаларини суғурталаш” деб номланувчи янги маҳсулотни мижозларига таклиф қилди.

Ушбу маҳсулот кичик ва ўрта бизнес субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган бўлиб, уни мижозларга тақдим этиш “Эксар” суғурта агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилади.

“Экспорт шартномаларини суғурталаш” маҳсулоти кичик ва ўрта бизнес субъектларининг экспорти билан боғлиқ бўлган тижорат рисклари ва сиёсий рискларни суғурталаш имконини беради.

3. Сбербанкда кичик ва ўрта бизнес субъектларига бож тўловлари учун электрон банк кафолати тақдим этиш йўлга қўйилган.

Мазкур кафолат кичик ва ўрта бизнес субъектларининг Федерал божхона хизмати олидаги мажбуриятларини ижросини таъминлаш имконини беради. Бунда, мижоз кам сонли ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафолат учун аризани Сбербанкка беради ва банк кафолатни ўзи божхона хизматига жўнатади. Бунинг натижасида компания кредит расмийлаштиришга мажбур бўлмайди. Бунинг устига, компаниянинг маблағларини унинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолишига йўл қўйилмайди.

4. Банк фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилаётганлиги туфайли ҳалқаро тўловларни амалга ошириш тезлигини оширишга ва уларга инсон омилиниң таъсирини камайтиришга муваффақ бўлинган. Бунда, асосан, компьютерли нейротармоқ моделларидан ва матнларни машинада қайта ишлаш технологиясидан фойдаланилмоқда.

5. 2020 йилдан бошлаб Сбербанкда ҳар бир экспортёрга ва импортёрга ҳужжатлаштирилган аккредитив хизматини электрон тарзда кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ушбу хизматни жорий этилиши натижасида ҳужжатлаштирилган аккредитивни тақдим этиш муддати 10 дақиқага қадар қисқарди.

6. Ҳозирги даврда, яъни 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, Сбербанк дунёning 80 дан ортиқ мамлакатидаги компаниялар ва контрагентлар билан ҳалқаро савдони молиялаштириш инструментларидан фойдаланишга асосланган савдо битимлари имзоланганди⁶⁷.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, 2020 йил январда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эълон қилинган коронавирус пандемияси товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш жараёнларига кучли салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, Европа давлатларида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми кескин қисқарди. Европанинг ривожланган саноат мамлакатларида коронавирус пандемияси туфайли ЯИМнинг пасайиш суръати 2022 йилнинг иккинчи чорагида 2021 йилнинг иккинчи чорагига нисбатан қуидагича бўлди:

Германияда – 11,2 %;

Италияда – 18,0 %;

Францияда – 18,9 %;

Испанияда – 21,6 %⁶⁸.

Шунингдек, коронавирус пандемияси давлатлар ўртасидаги ҳалқаро савдо операциялари ҳажмининг қисқаришига олиб келди. Бирлашган миллатлар ташкилотининг (БМТ) расмий маълумотига кўра, 2021 йилда товарлар ҳалқаро

⁶⁷ Сбербанк. Годовой отчёт 2020 (С. 65-66)//www.cberbank.ru

⁶⁸ Экономика и экономическая политика в условиях пандемии. Под ред. А.Л. Кудрина. – М.: Издательство Института Гайдара, 2021. – С. 30.

савдосининг ҳажми 5,6 фоизга, хизматлар халқаро савдосининг ҳажми эса, 15,4 фоизга қисқарди⁶⁹.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш хусусидаги илмий-назарий қарашларнинг таҳлили кўрсатдикি:

*валюта бозорида хорижий валюталарни сотиб олиш-сотиш операциялари ҳажмининг ошиши тижорат банкларида очиқ валюта позицияси рискини кучайишига олиб келади;

*агар банк маълум сабабларга кўра балансни ичидаги хеджирлашни амалга ошира олмаса, унда хеджирлаш мақсадида балансдан ташқари усуллардан, яъни валютадаги ҳосилавий инструментлардан – фьючерс, форвард, опциондан фойдаланиши мумкин;

*форвард валюта курсига форвард шартномаси обьекти бўлган хорижий валюта эмитенти бўлган мамлакатдаги инфляция билан миллий иқтисодиётдаги инфляция ўртасидаги фарқ сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

⁶⁹ЮНКТАД. URL: <https://unctad.org/news/covid-19-drives-large-international-trade-declines-2020>.